

**Кредитнинг тўлиқ
қиймати - _% (фоиз
харф билан)**

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ № _____ - _____

_____ ш.

20__ й. _____

«Tenge Bank» Акциядорлик Тижорат Банки (бундан буён «Банк» деб номланади) номидан 20 __й. _____ даги №_____ - сонли Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи _____ бир тарафдан ва бундан буён «Қарз олувчи» деб юритилувчи фуқаро _____ иккинчи тарафдан ва бундан буён «Биргаликда қарз олувчи» деб юритилувчи фуқаро _____ учинчи тарафдан, биргаликда «Тарафлар» деб юритилувчилар, ушбу Шартномани (бундан буён матнда «Шартнома» деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1.1. Ушбу Шартномада бундан буён учрайдиган барча терминлар, агар контекстан бошқача келиб чиқмаса, ушбу бўлимда берилган қуйидаги тавсифларга эга:

1.1.1. **Автокредит** — Банк томонидан жисмоний шахсга тўловлилик, муддатлилик, мақсадли фойдаланиш, қайтаришлик ва таъминланганлик шартларида унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш учун иккиламчи бозорда автотранспорт воситасини сотиб олиш учун тақдим қилинадиган истеъмол кредити.

1.1.2. **Кредит объекти** –Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган, тегишли русумли, кредит ҳисобига сотиб олинаётган автотранспорт воситаси.

1.1.3. **Бошланғич тўлов** – пул маблағлари, шу жумладан Қарз олувчи томонидан Банк ҳисобварағига киритилган ва олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олинаётган автотранспорт воситасининг қисман тўлови ҳисобланадиган пул маблағлари;

1.1.4. **Қарз олувчи** – автотранспорт воситаси (автомобиль) сотиб олиш учун Банк билан тузилган ушбу Шартнома доирасида истеъмол кредитини олган жисмоний шахс; жисмоний шахс;

1.1.5. **Биргаликда қарз олувчи** – Қарз олувчининг эри (хотини), яқин қариндошлари (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, фарзандлар) ва Қарз олувчи билан солидар равишда ўз мажбуриятлари бўйича Банк олдида жавобгар бўладиган, қарз тўлашга қодирлик хусусида верификациядан ўтган бошқа жисмоний шахслар;

1.1.6. **Тўлов қобилияти** – Қарз олувчининг биргаликдаги даромадлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда белгиланган, кредит шартномаси бўйича ўзининг тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш бўйича қобилияти;

1.1.7. **Тўлов мажбуриятлари** - Қарз қарз олувчининг қарзларни кредит шартномаси, у бўйича фоизлар бўйича ва бошқа тўловлар (автокредитни расмийлаштириш бўйича харажатлар) бўйича мазкур Шартномада кўрсатилган сумма ва муддатларда қарзларни сўндириш мажбуриятлари;

1.1.8. **Сотувчи** – шу жумладан кредит маблағлари эвазига сотиб олинаётган автотранспорт воситасини сотаётган юридик шахс (комиссионер);

1.1.9. **Кредит таъминоти** –кредитга сотиб олинган автотранспорт воситаси ва қўшимча

Банк _____ Қарз олувчи _____

Биргаликда қарз олувчи _____

таъминот сифатида суғурта полиси;

1.1.10. **Кредитни тақдим қилиш санаси** – Банк томонидан Сотувчининг банк ҳисобварағига Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан пул маблағлари ўтказилган сана.

1.1.11. **Истеъмол кредити** – Қарз олувчига пул маблағлари кўринишида нақдсиз шаклда, мазкур Кредит шартномаси шартларида иккиламчи бозорда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган автотранспорт воситасини сотиб олиш учун тақдим қилинаётган кредит.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Банк Қарз олувчига _____ (Сотувчи-комиссионер) дан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган автотранспорт воситасини (бундан буён матнда “Автомобиль”) сотиб олиш мақсадида истеъмол кредити (бундан буён матнда –“кредит”) ни тақдим қилади, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи эса олинган кредитни Банкка қайтариш ва мазкур Шартнома шартларида ундан фойдаланганлик учун фоизлар ва бошқа тўловларни тўлаш мажбуриятини олади.

3. КРЕДИТНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Кредит қуйидаги шартларда тақдим қилинади:

3.1.1. Автомобилнинг умумий қиймати _____ (Сумма ҳарф билан _____ сўм _____ тийин) сўм;

3.1.2. Кредит суммаси: _____ (Сумма ҳарф билан _____ сўм _____ тийин) сўм;

3.1.3. Бошланғич тўлов – автомобилнинг умумий суммасидан ____% , бу _____ (Сумма ҳарф билан _____ сўм _____ тийин) сўмни ташкил этади;

3.1.4. Кредит мақсади ва объекти: Ўзбекистон Республикасида _____ йилда ишлаб чиқарилган _____ русумли автомобилни тузилаётган шартнома шартларига мувофиқ Сотувчидан сотиб олиш

3.1.5. Кредитлаш муддати: _____ ой;

3.1.6. Охирги траншни сўндириш санаси: __.20__ й. __ гача (кўшган ҳолда)

3.1.7. Кредит қарздорликни сўндириш жадвали ҳисоб-китоб усули: _____ тўловлар билан.

3.2. Кредит бўйича тўловлар:

3.2.1. Фоиз ставкалар:

а) асосий қарзнинг қолдиғи бўйича – йиллик ____ %;

б) асосий қарзнинг муддати ўтган қарздорлигига – йиллик ____ % (юқори фоиз).

3.3. Қарз олувчи томонидан олинган кредитни ҳисобга олиш учун Банк Қарз олувчига тегишли ҳисобварақларни очади.

3.4. Кредит Қарз олувчининг Банкда очилган ссуда ҳисобварағидан пул маблағлари, Банк томонидан қайтаришлик, тўлов қобилияти, қайтариш кафолатлари ишончлилигини белгилайдиган ҳужжат (-лар) тўлиқ расмийлаштирилиб, олинганидан кейин ва мазкур Шартнома бўйича бошқа шартлар бажарилганидан сўнг, мазкур Шартноманинг 5-бўлимига мувофиқ Сотувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

3.5. Кредит Қарз олувчининг Банкда очилган ссуда ҳисобварағидан пул маблағлари Сотувчининг ҳисобварағига ўтказилган пайтдан эътиборан тақдим қилинган ва Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи томонидан қарзнинг бутун суммаси ва кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг барча турлари сўндирилган кунда қайтарилган деб ҳисобланади.

3.6. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар кредит тақдим қилинган кундан эътиборан, иш куни охирида ссуда қарздорлигининг қолдиғига ва ҳар ойдаги кунларнинг ҳақиқий сонига, кредит тўлиқ сўндирилгунга қадар, ҳар куни қўшиб ҳисобланади.

4. КРЕДИТНИ СЎНДИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Қарз олувчи томонидан ҳисобланган фоизлар суммаси, асосий қарзнинг бир қисми ва мазкур Шартнома бўйича бошқа тўловларни ўз ичига оладиган ҳар ойлик тўловларнинг тўланиши Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи ёки ваколатли шахс томонидан Банкнинг исталган офисида, шунингдек мобил иловалар, тўлов терминаллари (инфокиосклар), тўлов тизимлари (**Tenge24, Click, Raume** ва х.к.) орқали, банк ўтказмасини амалга ошириш йўли билан, банк ёки бошқа банкларнинг кассалари орқали ёки Банк томонидан Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг Банкда очилган барча ҳисобварақларидан тегишли суммани ечиб олиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

4.2. Кредит бўйича фоизлар асосий қарз қолдиғига ҳар куни қўшиб ҳисобланади. Фоизларни қўшиб ҳисоблаш учун йилига 365 куни ҳисобига усулидан фойдаланилади. Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи ҳар ой кредит бўйича асосий қарз суммаси ва фоизларни мазкур Шартномага 1-сонли Илова ва унинг қисми ҳисобланган Кредитни сўндириш жадвалига мувофиқ кўрсатилган миқдорда ва муддатларда қўшиб ҳисобланган фоизларни ҳар ойнинг ___ санасидан кеч бўлмаган муддатда сўндириш мажбуриятини олади. Бунда Кредитни сўндириш жадвалида 1-сонли Иловада кўрсатилган кредит учун тўлов бўйича қўшиб ҳисобланган фоизларнинг ҳай ойдаги суммаси узил-кесил ҳисобланмайди ва кредит беришнинг ҳақиқий санаси, асосий қарзни муддатидан олдин сўндириш ёки қисман сўндириш, дам олиш/иш куни бўлмаган ва байрам кунларига боғлиқ.

4.3. Мазкур Шартнома бўйича қарзларни муддатидан олдин қисман сўндириш Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг кредит Шартномаси бўйича тўловларнинг миқдори ва даврийлиги (муддатлари) ни аниқлаш тартиби, миқдорини ўзгартиришга олиб келмайди.

4.4. Мазкур Шартнома бўйича қарзлар муддатидан олдин қисман сўндирилган тақдирда асосий қарз қолдиғининг суммаси муддатидан олдин қисман сўндирилган суммани ҳисобга олмаганда асосий қарз суммаси камаяди, бунда ҳар ойдаги тўлов асосий қарз бўйича қисман сўндириш суммасига камаяди, фоизлар 4.2-бандга мувофиқ ҳисобланади, Кредит тақдим қилинган муддат эса ўзгармайди.

4.5. Агар асосий қарз ва мазкур Шартномага 1-сонли Илова ва унинг қисми ҳисобланган Кредитни сўндириш жадвалида кўзда тутилган қўшиб ҳисобланган фоизлар (ёки унинг қисми) ни сўндириш санаси банкнинг иш куни бўлмаса, сўндириш ҳар ойдаги тўлов миқдори ва дам олиш кунлари миқдорида иш куни бўлмаган кундан кейин келадиган биринчи иш кунига ўтказилади/амалга оширилади.

4.6. Агар Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи кредит бўйича асосий қарз сўндирилишини мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловасида кўзда тутилган санада амалга оширмаса, Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи қарзнинг ҳар бир ўтказиб юборилган куни учун Банкка 3.2.1-бандга мувофиқ юқори ставка бўйича фоизлар тўлайди.

4.7. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг тегишли ҳисобварақларида зарур пул маблағлари бўлмаган тақдирда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг тўланиши лозим бўлган сумма қарзларини сўндириш учун: кредит бўйича асосий қарз ва қўшиб ҳисобланган фоизларни тўлаш, етарли бўлмаган пул маблағлари қисмидаги сумма муддати ўтказилган деб ҳисобланади.

4.8. Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчининг мажбуриятлари кредитнинг бутун суммаси Банкка қайтарилгандан сўнг, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар, кредит ўз вақтида сўндирилмагани учун муддати ўтказилган фоизлар, жарималар кредитни сўндириш ва қарзни ундириш билан боғлиқ бўлган харажатлар қопланиши санасига аниқланадиган мазкур Шартнома шартларига мувофиқ тўлангандан кейин тегишли тарзда ва тўлиқ бажарилган деб ҳисобланади.

4.9. Кредитни сўндириш ҳисобига келиб тушган ёки Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчининг Банкдаги ва/ёки бошқа банкларнинг ҳар қандай ҳисобварақларида мавжуд

бўлган пул маблағлари қуйидаги навбатда қарздорликни сўндиришга йўналтирилади ёки ҳисобига ўтказилади:

- муддати ўтказилган фоизлар (қўшиб ҳисобланган, лекин сўндириш кунда тўланмаган);
- асосий қарз бўйича муддати ўтказилган қарзларга қўшиб ҳисобланган фоизлар;
- асосий қарз бўйича муддати ўтказилган қарздорлик;
- кредит бўйича қўшиб ҳисобланган, лекин муддати ўтмаган фоизлар;
- кредит бўйича асосий қарз;
- Банкнинг Қарз олувчи қарзини ундиришни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлари.

5. КРЕДИТ ҚАЙТАРИШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

5.1. Мазкур Шартнома бўйича тақдим қилинган кредит қуйидагилар билан таъминланади:

5.1.1. асосий таъминот – 3.1.4-бандга мувофиқ, шу жумладан кредит ҳисобига сотиб олинаётган автомобиль (бундан буён “Гаров предмети”). Гаров предмети _____ (Сумма ҳарф билан _____ сўм _____ тийин) сўм миқдорида келишилган гаров қиймати бўйича қабул қилинади, бу кредит суммасидан камида _____% ни ташкил этади. Гаровнинг аниқ шартлари тегишлича расмийлаштирилган Гаров шартномаси, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган Гаров предмети Шартномаси билан белгиланади. Қарз олувчи “Гаров предмети” ни суғурта компанияси орқали суғурталаш ва ушбу суғуртани мазкур Шартноманинг бутун амал қилиш даврига таъминлаш мажбуриятини олади. Суғурта ҳолати юзага келганида наф олувчи бўлиб Банк ҳисобланади. Зарур даражада расмийлаштирилган тегишли Гаров предмети қийматини келиштириш далолатномаси, суғурта полиси ва расмийлаштирилган “Гаров предмети” нинг Гаров шартномаси Қарз олувчи томонидан Банкка олди-сотди шартномаси нотариал равишда расмийлаштирилган кундан эътиборан 15 (ўн беш) календар куни ичида тақдим қилиниши лозим.

5.1.2. қўшимча таъминот бўлиб « _____ » МЧЖ дан (Суғурта компанияси) _____ (Сумма ҳарф билан _____ сўм _____ тийин) сўмлик кредитни тўламаслик хавфи бўйича суғурта полиси ҳисобланади, бу кредитлашнинг бутун даврига тегишлича расмийлаштирилган кредит суммасидан _____% ни ташкил этади. Ҳаммаси бўлиб кредит бўйича таъминот миқдори 5.1.1. ва 5.1.2-бандларига мувофиқ кредит суммасидан _____% ни ташкил этади.

5.2. Ушбу Шартнома бўйича Кредит қайтаришлигини таъминлашнинг аниқ шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган алоҳида шартномалар доирасида тартибга солинади. Бунда нотариал тасдиқловни ва/ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилган шартномалар нотариал тасдиқланган ва/ёки давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади.

5.3. Банк томонидан Банк маблағлари ҳисобига суғурта мукофоти тўланган тақдирда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи Банкка 3 банк куни ичида суғурта мукофотини қоплаш мажбуриятини олади.

5.4. Кредитни қайтаришни таъминлаш бўйича ҳужжатларни тегишли даражада расмийлаштириш юзасидан ҳар қандай харажатларни Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи ўзи зиммасига олади.

5.5. Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш бўйича бир неча таъминотнинг мавжудлиги бир-бирига зид эмас, мажбуриятларни бажаришнинг ҳар бир усули мустақил бўлиб ҳисобланади ва бир-бирига боғлиқ эмас. Ундиришни мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларига қаратиш зарурати туғилганда танлаш ҳуқуқи Банкда қолади ва у ўз ихтиёрига кўра мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича усуллардан ҳар бирига ёки барча усулларига талаб қўйиши мумкин. Қарз олувчи/ Биргаликда қарз

олувчи кредит таъминотини кредит суммасидан камида ____% даражасида сақлаб туриш мажбуриятини олади. Банк куйидаги ҳолларда Банкни қониқтирувчи қўшимча таъминотини талаб қилишга ҳақли:

- Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашганда;
- ликвидлик, қимматлилик ва ҳақиқийлик йўқолганда;
- бозор қиймати анча камайганда;
- Шартнома бўйича тақдим қилинадиган кредит таъминоти йўқ қилинганда, қисман ёки тўлиқ йўқотилганда;
- мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи томонидан мажбуриятлар бажарилмаслик хавфини оширадиган бошқа омилларнинг пайдо бўлиши.

5.6. Агар Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи ушбу Шартноманинг 6.4-бандидаги шартларини бажармаса ва ушбу Шартнома шартларидан келиб чиқадиган асосий қарз, фоизлар ва/ёки кредит бўйича бошқа тўловларни ушбу Шартномада белгиланган санага сўндириш бўйича бирор-бир тўловни амалга ошира олмаслик ҳолати юзага келса, Банк ундирувни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган Гаров предметиға қаратиш бўйича сўзсиз ва чақирувсиз ҳуқуқини ва тақдим қилинган кредитнинг муддатидан олдин ундириш ҳуқуқини олади.

5.7. Ушбу Шартнома бўйича Кредит қайтаришлигини таъминлашнинг аниқ шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган алоҳида Гаров шартномаси доирасида тартибга солинади.

5.8. Ундирув Гаров предмети (предметлари) ва/ёки унинг (уларнинг) қисм (лари) га қаратилганда Банк ўз ихтиёриға кўра ундиришнинг биринчи навбатдаги объектини бир томонлама танлаш ёки бир вақтнинг ўзида ундиришни Гаров предмети (предметлари) га қаратиш ҳуқуқини ўзида қолдиради. Ундирувни гаров предметидан бириға ва/ёки унинг (уларнинг) қисм (-лари) га қаратиш ундиришни гаров предметининг бошқа объект (объектлар) ва/ёки унинг (уларнинг) қисм (лари) га қаратишда Банкни чекламайди. Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчининг қарзини Суғурта қилувчидан ундириш тартиби тегишли суғурта шартномасида белгиланади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Банк ҳуқуқлари:

6.1.1. кредит қайтаришлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда Қарз берувчиға кредитни тўлиқ ёки қисман беришни рад қилиш;

6.1.2. мазкур Шартнома амал қилиш муддати жараёнида тегишли мониторингни амалга ошириш: Қарз қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи даромадлари тўғрисидаги маълумотлар асосида унинг тўлов қобилиятини текшириш, таъминот сақланиши, суғурталиги, етарлилиги ва ликвидлилиги предметига тақдим қилинган таъминот, кредитни ишлатиш. Бундай текширувларни ўтказишнинг даврийлиги Банк томонидан белгиланади;

6.1.3. Банк Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчидан кредитни муддатидан олдин сўндириш (қўшиб ҳисобланган фоизларни ҳисобға олган ҳолда) ва келгусида беришни куйидаги ҳолларда тўхтатишни талаб қилишга ҳақли:

- а) Банк Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича олинган мажбуриятларни бузиш ва/ёки бажармаслик ва/ёки зарур даражада бажармаслик
- б) Банк Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи кредит маблағларини белгиланган вазифада ишлатмаслиги (белгиланмаган мақсадда фойдаланмаслиги);
- в) агар Банк Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи кредит олиш учун кредит тақдим қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ҳал қилувчи ҳисобланадиган масалалар бўйича Банкка ёлғон ёки тўлиқсиз маълумотларни тақдим қилган бўлса;
- г) кредит қайтарилиши таъминоти йўқотилганда ёки таъминот қиймати пасайганда;

- д) Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи Банк ходимлари томонидан мазкур Шартноманинг 6.1.2-бандида кўрсатилган тегишли мониторинг ва банк назорати ўтказилишидан бош тортиши;
- е) асосий қарз, фоизлар, комиссиялар ва/ёки кредит бўйича мазкур Шартнома шартларидан келиб чиқадиган бошқа тўловлар ўз вақтида сўндирилмаслиги;
- ж) сотиб олинаётган автомобилнинг олди-сотди шартномаси имзоланган пайдан эътиборан 15 (ўн беш) кун ўтганидан кейин Гаров шартномаси расмийлаштирмаганлиги;
- з) Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи тўлаш муддати етиб келганида, асосий қарз, фоизлар тўланиши бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмагандан ва/ёки зарур даражада бажарилмаганда Банк Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг фармойишисиз зарур пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини ўзида қолдиради (акцептсиз тартибда). Ушбу билан Қарз олувчи Банкка Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг барча ҳисобварақларидан ушбу Шартнома бўйича унга тегишли бўлган суммаларни акцептсиз тартибда ечиб олишга чақириб олинмайдиган ва сўзсиз ҳуқуқни тақдим қилади;
- и) мазкур Шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда.

6.1.4. ушбу Шартноманинг 6.1.3-бандига мувофиқ Банк талаблари бажарилмаган тақдирда Банкда мазкур Шартнома шартларида ундирувни кредит қайтарилиши таъминотига ва Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг бошқа мулкига қаратиш ҳуқуқи юзага келади.

6.1.5. Кредит бюроси ва Гаров реестрида ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи томонидан мажбуриятлар бажарилиши ва кредит қайтарилишини таъминлаш ва ушбу Шартнома шартлари хусусида маълумотларни тақдим қилиш.

6.1.6. ушбу Шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган суммаларни акцептсиз тартибда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг Банкдаги барча ҳисобварақлари, пластик карталаридан ва бошқа банклардаги ҳисобварақларидан, шунингдек Қарз олувчининг ҳар қандай валюта ҳисобварақларидан Марказий банкнинг ечиб олиш санасига валютани сотиш курси бўйича келгусидаги конвертация билан ечиб олиш.

6.1.7. агар Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи ушбу Шартноманинг 5 бўлимида кўрсатилган таъминотни ушбу Шартнома тузилган пайдан эътиборан 15 (ўн беш) кун ичида тақдим қилмаса ушбу Шартномани бекор қилишнинг тахминий санасигача 5 кун олдин Қарз олувчини олдиндан хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиш

6.1.8. кредит бўйича тўловлар бўйича 90 кундан ортиқ муддати ўтган қарздорлик вужудга келган тақдирда белгиланган тартибда чора кўриш учун, шу жумладан автомобилни ушлаб туриш ва уни жарима майдончасига эвакуация қилиш учун Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига мурожаат қилиш.

6.1.9. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш/бажармаслик ҳақидаги маълумотларни, ушбу Шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотни, шунингдек Банкнинг ахборот, реклама материаллари ва тижорий таклифларни почта жўнатмалари, электрон алоқа воситалари, SMS-хабарлар орқали Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи томонидан ушбу Шартномада кўрсатилган манзиллар/телефон рақамлари ёрдамида ёки бошқача тарзда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчига юбориш. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи юборилган хат-хабарлар учинчи шахсларга маълум бўлиши билан боғлиқ бўлган таваккалчиликка эга бўлади.

6.1.10. Мижоз ва ҳар қандай учинчи шахслардан Мижознинг шахсга доир маълумотларини тўплаш (олиш) ва ишлов бериш, шунингдек Мижознинг шахсга доир маълумотларини учинчи шахсларга бериш, шу жумладан давлат ва нодавлат маълумотлар базаси томонидан Мижоз тўғрисидаги маълумотларни Банк, молиявий институтлар, маълумотлар базаси операторлари, шунингдек молиявий институтлар томонидан – барча

давлат ва нодавлат маълумотлар базасидан тўғридан-тўғри ёки учинчи шахслар орқали оммабоп манбаларда шахсга доир маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ва халқаро ҳуқуқ талаблари (халқаро шартномаларнинг талаблари) ни ҳисобга олган ҳолда тарқатиш;

6.10.11. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланган ҳолларда Мижознинг розилигисиз, шу жумладан бошқа банкларда ва/ёки ташкилотларда қарзларни ундириш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган ҳар қандай тадбирларни ўтказиш мақсадида шахсга доир маълумотларни тўплаш ва ишлов бериш;

6.10.12. агар Мижоз (Мижоз вакил бўлган шахс) ва Банк ўртасида тузилган тегишли шартнома (-лар) да Банк томонидан очиқ алоқа каналлари орқали Мижознинг шахсга оид маълумотлари (шу жумладан трансчегаравий узатиш) узатилиши кўзда тутилган/тутиладиган бўлса, Мижоз учинчи шахслар томонидан ахборотларни рухсатсиз олиш хавфини тушуниб етади ва ўз зиммасига шундай таваккалчиликни қабул қилади;

6.10.13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Мижознинг шахсга доир маълумотлари билан ҳар қандай ҳаракатлар (операция) ёки шундай ҳаракатлар (операциялар) мажмуини амалаг ошириш, шу жумладан автоматизация воситаларидан фойдаланган ҳолда ёки фойдаланмасдан, шу жумладан, лекин чекланмаган ҳолда, тўплаш, ишлов бериш, ёзиб олиш, нусха кўчириш, резерв нусха кўчириш, ҳимоя, скрининг, скоринг, тизимлаштириш, жамғариш, Банк ичида ва унинг ташқарисида сақлаш (хавфсизлик ва махфийлик талабларига риоя қилган ҳолда), аниқлаштириш (ўзгартириш, янгилаш), чиқариб олиш, фойдаланиш, топшириш (кириш ҳуқуқини тарқатиш, тақдим қилиш, шу жумладан Мижознинг шахсга оид маълумотларига ишлов бериш ҳуқуқи биоан учинчи шахсларга бериш), шахсий жавобгарликни йўқ қилиш, блоклаш, олиб ташлаш, йўқ қилиш, шу жумладан ушбу ҳаракатларни Банк топшириғи бўйича амалга ошириш, агар бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлмаса;

6.10.14. Банк томонидан Мижознинг шахсга доир маълумотлари учинчи шахслардан олинганлиги ва/ёки Банк томонидан учинчи шахсларга берилганлиги ҳақида Мижозни хабардор қилиш талаб қилинмайди, бундай шахсга оид маълумотлар Банк томонидан хабардор қилинмаган ҳолда тўпланиши, ишлов берилиши, узатилиши мумкин.

6.2. Банк мажбуриятлари:

6.2.1. Қарз олувчига ушбу шартноманинг 5-бўлимида белгиланган кредитни расмийлаштириш бўйича мажбуриятларни бажариш пайтидан эътиборан ушбу Шартномада кўзда тутилган тартибда ва шароитларда кредит тақдим қилиш;

6.2.2. кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш бўйича шартномасга мувофиқ мажбурият Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи томонидан тўлиқ бажарилган пайтдан эътиборан кечи билан 3 (уч) иш куни ичида :

- зарурат туғилганда гаров таъминоти предметида қўйилган тақиқни ечиш учун тегишли органларга маълумотлар тақдим қилиш;
- банкнинг гаровга қўйилган мулкига бўлган ҳуқуқларини Гаров реестридан ўчириш бўйича чораларни кўриш.

6.2.3. мазкур Шартномага мувофиқ Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи томонидан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганда Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчининг ёзма ёки оғзаки сўрови бўйича тегишли органларга кредит бўйича мажбуриятлар бажарилганлиги ҳақида хат тақдим қилиш.

6.3. Қарз олувчи ҳуқуқлари:

6.3.1. ушбу Шартномада кўзда тутилган ҳажмларда, муддатларда ва шароитларда кредит тақдим қилишни талаб қилиш;

6.3.2. Шартнома тузилган кундан эътиборан 2 ҳафта ичида, пул маблағлари берилгунга қадар, Шартнома тузилганидан кейин Банкни ёзма равишда хабардор қилиш йўли билан кредит олишни бепул асосда рад қилиш.

6.3.3. зарур ҳолларда кредит маблағлар ҳисобига сотиб олинаётган автотранспорт

воситаси, автомобилларни газлаштириш бўйича сертификатга эга бўлган расмий дилерда ГБУ (газ баллон ускунаси) ўрнатиш.

Бунда транспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХДХ да расмийлаштириб бўлганидан кейин Қарз олувчи ўзгартиш ва кўшимчалар киритилган техник паспортни Банкка тақдим қилиши лозим.

6.4. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи ҳуқуқлари:

6.4.1. келгуси ва муддати ўтган тўловлар ҳақида хабардор этиш бўйича Банкнинг электрон сервисларидан фойдаланиш;

6.4.2. кредит ишлатилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотни олиш;

6.4.3. кредит бўйича қарздорликни муддатидан олдин тўлиқ миқдорда ёки қисман сўндириш, бунда Банк 1-Илова, 4-бўлимга мувофиқ кредитни сўндириш бўйича амалдаги Жадвални қайта ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини олмайди;

6.4.4. ўз ихтиёрига кўра мустақил баҳолаш компанияси, шунингдек ушбу шартнома бўйича таъминот сифатида тақдим қилинадиган мол-мулкни суғурталаш учун суғурта компаниясини танлаш;

6.4.5. кредитни сўндириш учун тўлов терминаллари (инфокиосklar), тўлов тизимлари (**Tenge24**, **Click**, **Рауме** ва ҳ.к.) орқали, банк ўтказмаларини амалга ошириш йўли билан, банк ёки бошқа банкларнинг кассаси орқали маблағларни юбориш;

6.4.6. Шартнома тузилган кундан эътиборан 2 ҳафта ичида, пул маблағлари берилгунга қадар, Шартнома тузилганидан кейин Банкни ёзма равишда хабардор қилиш йўли билан кредит олишни бепул асосда рад қилиш.

6.5. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи мажбуриятлари:

6.5.1. ушбу Шартнома шартларида кўзда тутилган тўловларни ўз вақтида киритиш;

6.5.2. сотиб олинаётган автомобилни олди-сотди шартномаси нотариал тарзда расмийлаштирилган кундан эътиборан 15 (ўн беш) календар куни ичида Гаров шартномасини расмийлаштириш;

6.5.3. шартнома (-лар) да кўзда тутилган, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятларни лозим даражада бажариш. Таъминотнинг бозор қиймати йўқотилганда ёки пасайганда Қарз олувчи тенг қийматли таъминотни тиклаш ёки тақдим қилиш мажбуриятини олади;

6.5.4. 5 календар куни мобайнида қарз бўйича тўловни амалга ошириш: барча муддати ўтган фоизлар суммаси, асосий қарзнинг муддати ўтган суммаси, шунингдек Банкдан ушбу Шартнома шартларига мувофиқ муддати ўтган тўловлар ҳақида хабарнома/талабнома олинганда Банкнинг бошқа комиссияларини;

6.5.5. 3 календар куни ичида яшаш жойи, иш жойи, фамилия ёки исми ўзгарганлиги, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар ҳақида Банкка хабар бериш;

6.5.6. Банк томонидан кредит бериладиган вақтга қадар 3-бўлимга мувофиқ бошланғич тўловни киритиш;

6.5.7. ушбу Шартнома доирасида кредит тақдим қилинишининг бутун муддатини қоплайдиган амал муддати билан, тегишлича расмийлаштирилган гаров предметини суғурта қилиш полисини Тарафларнинг олди-сотди шартномаси давлат расмийлаштирувидан кейин кечи билан 2 (икки) кун ичида Банкка тақдим қилиш;

6.5.8. асосий қарзни муддатидан олдин тўлаш учун маблағларни мобил иловалар ва тўлов тизимлари (**Tenge24**, **Click**, **Рауме** ва ҳ.к.) орқали, шунингдек банк ўтказмаси йўли билан ёки банк кассаси орқали йўналтирилган тақдирда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи кредитни сўндириш учун ҳисобвараққа амалга оширилган тўловдан кейин қарз сўндирилгани ҳақида Банкни хабардор қилиши шарт;

6.5.9. ушбу Шартнома амал қилиши муддати мобайнида Банкнинг ёзма розилигисиз ўз зиммасига учинчи шахслар олдида жиддий мажбуриятларни олмаслик, яъни бошқа кредиторлардан кредит ва қарзлар олмаслик, бошқа шахсларга қарз бермаслик, ушбу

Шартнома бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишига таъсир қилиши мумкин бўлган учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил сифатида иштирок этиш;

6.5.10. ГБУ (газ баллон ускунаси) ўрнатилганда ва транспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХДХ да расмийлаштириб бўлганидан кейин ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган техник паспортни Банкка тақдим қилиши лозим;

6.5.11. ушбу билан мазкур Шартномага мувофиқ Қарз олувчи тўланиши лозим бўлган суғурта мукофотларини тўлиқ ҳажмда тўлаш ва зарурат туғилганда Банк томонидан амалга оширилган харажатлари 5 бўлимга мувофиқ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Банк Кредит бўйича сўндирилмаган маблағларни қайтариш, қўшимча ҳисобланган барча фоизларни тўлаш, шунингдек Банкка Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи етказган барча зарар ва зиёнларни Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи томонидан тўланишини талаб қилишга ҳақли.

7.2. Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи томонидан талабномада кўрсатилган муддатдан эътиборан 30 кун ичида талаблар зарур даражада бажарилмаганда банк судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.3. Тарафларнинг ушбу Шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

7.4. Қарз олувчи томонидан Гаров шартномаси, Суғурта шартномаси ва Гаров предметини суғурта қилиш полиси ушбу шартноманинг 5-бўлимида кўзда тутилган муддатларда ва шартларида ўз вақтида расмийлаштирилмаган ва/ёки тақдим қилинмаган тақдирда Банк муддатида расмийлаштирилмаган таъминот суммасидан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1 % миқдоридан, бироқ ўз муддатида расмийлаштирилмаган таъминот суммасидан 10% дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундиришга ҳақли.

7.5. Банк фоизлар, пеня, неустойкани бир йилда ўзлаштириш миқдорининг камида ярмини ташкил қиладиган суммада қўшимча ҳисоблаш ва ундириш, шунингдек Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи томонидан Қарз олувчининг қарзи суммасини қайтаришни амалга ошириш мақсадида Банк томонидан амалга оширилган харажатлар ҳамда барча зарар ва зиёнлар тўланишини талаб қилишга ҳақли.

7.7. Неустойка тўланиши Тарафларни уларга юклатилган мажбуриятлар бажарилиши ёки қонунбузарликларни бартараф қилишдан озод этмайди.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу Шартномадан ёки у сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган барча низоларни тарафлар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Тарафлар келишувга эришилмаган тақдирда улар ўртасидаги низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда даъвогар жойлашган жой бўйича умумий юрисдикция судида ҳал қилинади.

9. ФОРС-МАЖОР

9.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг Тарафлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлиги учун, агар бундай вазият Тарафларнинг эрки ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан билиши, олдини олиши мумкин бўлмаган енгиб бўлмас куч фавқулодда хусусиятга эга воқеалар натижасида вужудга келган куч билан енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор) оқибатида содир бўлганлигини исботлаб берса, бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар. Форс-мажор ҳолатларига қуйидагилар киради, хусусан: ҳарбий ҳаракатлар, табиат кучлари таъсири (зилзила, сув тошқинлари ва х.к.), пандемия, давлат органлари қарорлари.

9.2. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ҳақида улар бошланганпайтдан эътиборан 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

9.3. Форс-мажор ҳолатлари вужудга келган тақдирда ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай вазиятлар ва уларнинг оқибатлари амал қилган даврга кўчирилади.

10. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига таянадилар.

10.2. Ушбу Шартноманинг шартларини ўзгартириш, шу жумладан муддатини узайтириш тарафларнинг ёзма қўшимча келишуви орқали амалга оширилади, ушбу Шартноманинг 6.1.3 бандида айтиб ўтилган ҳолатлар бундан мустасно. Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи ушбу Шартнома шартларини ўзгартириш юзасидан Банкка мурожаат қилган тақдирда Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи ҳар қандай муддати ўтган қарздорликка эга бўлмаслиги ва активи “Стандарт” таснифи мақомига эга бўлиши керак.

10.3. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан эътиборан кучга киради ва улар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади.

10.4. Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи вафот этган тақдирда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари Қонунчиликда белгиланган тартибда унинг меросхўрларига ўтади.

10.5. Мазкур Шартнома уч нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Қарз олувчи ва Биргаликда қарз олувчида сақланади. Уч нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

10.6. Ушбу билан Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи Банкка қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга чақириб олинмайдиган, сўзсиз ҳуқуқ ва розилиги беради:

- а) Банк томонидан “Кредит-ахборот таҳлил маркази” Кредит бюроси ва/ёки Банклараро кредит бюросига (Кредит бюроси ва Гаров реестрига) Шартнома шартлари хусусида маълумотларни тақдим қилиш;
- б) Банкка маълум бўлган манзиллар (реквизитлар) бўйича Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчига, унинг эр (хотини)га, шунингдек унинг қариндошларига, Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчининг иш берувчисига ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича телефон рақамларига телефон кўнғироқларини амалга ошириш, хатлар, электрон ва SMS хабарлар юбориш;
- в) Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи, унинг эр (хотини), шунингдек унинг қариндошлари, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг иш берувчилари билан ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича музокаралар (учрашувлар) ўтказиш;
- г) Иш берувчилардан Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг даромадлари ҳақидаги маълумотларни сўраб олиш, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчига тегишли бўлган пул маблағлари (иш ҳақи, наққа ва бошқ.) ни кредит бўйича қарздорликни сўндиришга юбориш талаби билан иш берувчиларга мурожаат қилиш.

Бу ҳолда Банк томонидан юқорида қайд қилинган ҳаракатларни амалга ошириш банк сирини ошкор этиш бўлиб ҳисобланмайди

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

БАНК
«TENGE BANK» АТБ

ҚАРЗ ОЛУВЧИ

ФИШ:

Манзил:

Манзил:

Банк _____ Қарз олувчи _____

Биргаликда қарз олувчи _____

МФО: _____ СТИР: _____

ИФГУТ: _____

Тел: + _____

e-mail: info@tengebank.uz

Лавозим _____

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:

СТИР: _____

Тел: +998 _____

e-mail:

пластик карта рақами

8600 _____

Шартнома билан танишдим ва розиман.

ФИШ _____

Қарз олувчи ФИШ ва имзоси

БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ

ФИШ:

Манзил:

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари :

СТИР: _____

Тел: +998 _____

e-mail:

пластик карта рақами

8600 _____

Шартнома билан танишдим ва розиман.

ФИШ _____

Биргаликда қарз олувчи ФИШ ва имзоси

20__ й. _____ даги №__ - __ - __ сонли Кредит шартномасига 1-сонли Илова.

Кредитни сўндириш жадвали/муддатли мажбурият

№	Сўндириш санаси	Кредит қолдиғи	Асосий қарзни сўндириш жадвали	Фоишларни сўндириш бўйича прогнозли жадвал	Жами сўндирилган
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
17					
18					
19					
20					
21					
22					
23					
24					
25					
26					
27					
28					
29					
30					
31					
32					
33					
34					
35					
36					
37					
38					
39					
40					
41					
42					
43					
44					
45					
46					
47					
48					
Итого:					

«БАНК»

Лавозим _____

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

«ҚАРЗ ОЛУВЧИ»

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

М.Ў.

«БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ»

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

Кредитни сўндириш учун
х/р № _____
Кредит ID: _____